

Қадимги юнон мифологияси (3-Қисм)

Қадимги юнон мифологияси (3- Қисм)

https://t.me/wikipediya_1

Титанлар (катта авлод)

Гиперион (Қадимги юнонча - «жуда баланд»)

Қадимги юнон мифологиясида - Титан, Уран ва Геянинг ўғли, хотини ўзининг сингилларидан бири Тея ёки Басилея, Гелиос, Селена ва Эоснинг отаси.

Гиперион - «ёрқин» худо, том маънода «юқорида юрувчи», яъни осмон бўйлаб ҳаракатланувчи.



Гиперион

Ианет (Қадимги юнонча - «ёритувчи») Қадимги юнон мифологиясида титанлардан бири, Уран ва Геянинг ўғли. Ака-укалари - Рея, Кронос, Гиперион. Опа-сингиллари - Фемиди, Тейя, Океан ва Тефида. Хотини - Климена. Болалари - Атлант, Менетий, Прометей, Эпиметей. Ианет титаномахия аъзоси, Зевс томонидан Тартарга ташланган.



Иапет

Кой, Кей, Кеос - юнон мифологиясидаги титан, Уран ва Геянинг ўғли, Лето ва Астериянинг отаси,

*Фибийнинг укаси ва эри. Кос оролида яшаган.
Титаномахия урушида қатнашган ва акалари билан
бирга Зевс томонидан Тартарга ташланган.*



Кой

***Крий, Криос** - юнон мифологиясидаги титан, Уран
ва Геянинг ўғли, хотини Понтнинг қизи Еврибия.
Болалари - Паллант, Астрей ва Перс. Титаномахия
урушида қатнашган ва Зевс томонидан Тартарга
ташланган.*



Кронос, Крон - юнон мифологиясидаги олий худо, титан. Уран ва Геянинг кенжа ўғли. Хотини - Рея. Болалари - Зевс, Аид, Гера, Гестия, Деметра, Посейдон, Хирон. Кронос Ураннинг башоратидан қўрқади ва ишонади. Башоратга кўра Рея томонидан туғилган болаларидан бири уни йўқ қилади. Шунинг учун у болаларини (Гера, Гестия, Деметра, Посейдон,) бирма-бир ютиб юборади. Зевсга ҳомиладор бўлган Рея, ўзининг охирги боласидан ажралиб қолмаслик учун Критдаги чуқур ғорда уни туғиб, яширади ва Кроносга боланинг ўрнига ютиш учун тош беради. Ушбу тош монолит «омфал» ҳисобланган, кейинчалик Дельфдаги археология музейида намойиш этилган. Рим мифологиясида бу тош «агадир» деб номланган. Кронос алданганини сезгач, бутун ер юзидан Зевсни қидира бошлайди. Аммо Крит

оролидаги Реянинг ёрдамчилари (куретлар) унга чақалоқни топишга тўсқинлик қилишади. Улар, Зевс йиҒлаганда, Кронос Зевсни пайқамаслиги учун найзаларини қалқонларига уришган. Зевс улҒайгач, Ураннинг башорати амалга ошади. У отасига қарши уруш бошлаб, оламни ларзага келтиради. Ўн йиллик урушдан сўнг, Кронос Зевс томонидан аҒдарилади ва уни Ғимоя қилган титанлар билан бирга Тартарга ташланади. Кронос Ғукмронлиги, қадимги юнон мифологиясида «олтин давр» Ғисобланган.



Кронос



Омфал

Океан - қадимги юнон мифологиясидаги худо, титан, энг буюк дунё дарёси яратувчиси. Шунингдек, барча дарёлар, булоқлар, денгиз оқимлари яратувчиси. Уран ва Геянинг ўғли. Хотини - Тефида. Барча дарё худолари ва океанларнинг отаси (уч минг ўғил ва уч минг қиз). Гомер фикрига кўра ҳамма нарса ундан келиб чиққан.



Океан


Титанидлар:

Мнемосина - қадимги юнон мифологиясидаги титанид, хотиралар маъбудаси. Уран ва Геянинг қизи (баъзи манбаларга кўра Зевс ва Климена). Музаларнинг онаси (Зевсдан туғилган).



Мнемосина

Рея - қадимги юнон мифологиясидаги титанид, Олимп худоларининг онаси. Уран ва Геянинг қизи. Кроноснинг хотини ва синглиси. Ўчоқ маъбудаси Гестия, дала ва унумдорлик маъбудаси Деметер, оила маъбудаси Гера, ер ости дунёси худоси Аид, денгизлар худоси Посейдон, момақалдиροқ ва чақмоқ худоси Зевснинг онаси. Рим мифологиясида Она ва Кибелага тенг.



Рея

Тейя - (қадимги юнонча - «маъбуда») қадимги юнон мифологиясидаги титанидлардан бири, Уран ва Гаянинг тўнғич қизи. Гиперионнинг синглиси ва хотини. Биринчи ой маъбудаси. Гелиос (Қуёш), Эос (эрталабги шафақ) ва Селена (ой) ning онаси.



Тейя

Тефида (шунингдек Тефия, Тетия, Тифия ёки Тетис) - қадимги юнон мифологиясида энг қадимий маъбудалардан бири, титанид. Уран ва Геянинг қизи, укаси Океаннинг хотини. Уч минг ўғил - дарё оқимлари ва уч минг қиз - океанидларни дунёга келтирган.



Тефида

Феба - қадимги юнон мифологиясидаги титанид, Уран ва Геянинг қизи, Коянинг синглиси ва хотини, Лето ва Астериянинг онаси, Аполлон ва Артемиданинг бувиси.



Феба

Фемида (шунингдек Темида, Темис) - юнон мифологиясидаги адолат маъбудаси, титанид. Зевснинг иккинчи хотини. Гомернинг «Одиссея» сида тилга олинган. Римликларда Юстиция. Кўзлари боғланган, тарози ва қўлида қилич билан тасвирланган.

Адолат маъбудасининг сифатлари - тарози, Қилич ва гўзлари боғланганлик (кўр).

Тарози - ўлчов ва адолатнинг қадимий рамзи. Яхшилик ва ёмонлик, айб ва беғуноҳлик адолат тарозида тортилади. Адолатнинг жиддийлиги ва адолатлилиги амалларни тўғри тортишни ҳам назарда тутди.

Қилич - руҳий куч ва мукофотнинг рамзи ҳисобланади. Маъбуда қўлида у қасос рамзи. Қилич юқорига қараб туради, бу „осмон иродаси“, энг олий адолат, шунингдек, уни қўллашнинг доимий тайёрлигини кўрсатади.

Кўзи боғланган - холислик рамзи. Адолат одамлар орасидаги фарқни кўрмайди, фақат ҳақга қараб ҳақ сўзни сўзлайди, деган маънода кўрдир.



Фемида

PDF's generated at: Tue Apr 11 2023 10:04:41
GMT+0000 (Coordinated Universal Time)

Source: <https://telegra.ph/%D2%9Aadimgi-yunon-mifologiyasi-3-%D2%9Bism-03-24>